

3. Андеррайтерларга акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида акциялар тақсимланадиган инвесторларни танлаш, шунингдек, инвесторларга IPO ва SPO доирасида харид қилинган акцияларни сотиш таъқиқланадиган муддатни белгилаш ҳуқуқи зарур.

4. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш, улар-

ни молиявий хизматлар ва маҳсулотлар, жумладан, капитал бозори ҳамда молиявий инструментлар ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ ташаббусларни ҳамжиҳатликда амалга оширган ҳолда мутасадди ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш молия бозори ўрнининг янада ошишига асос бўлади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли фармони.
3. Markowitz, H. Portfolio Selection. // *The Journal of Finance*. 1952. № 7. P. 77-91.
4. Морозкин Ю.Н., Свистунова Е.С. Управление портфелем ценных бумаг в коммерческом банке. // *Вестник Челябинского государственного университета*. – Челябинск, 2011. № 6. С. 138.
5. Чекулаев М. Загадки и тайны опционной торговли. – М.: ИК Аналитика, 2001. С. 10.
6. Жуков Е.Ф. Рынок ценных бумаг. Учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. – 567 с.
7. Леонтьев В.Е, Бочаров В.В, Радковская Н.П. Инвестиции. – М.: Юрайт, 2014. С. 127-131.
8. Хайдаров Ў.А. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда фонд бозорларининг таъсири. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2-сон, март-апрель, 2015 йил.
9. Махмудов С. Оценка эконометрического анализа экспортно-импортных процессов в национальной экономике на основе моделей var, ardl и arima: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a29](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a29). Экономика и образование. 2022, 23 (3), 184-197. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/526>
10. Махмудов С. Оценка экономического анализа операций коммерческих банков. // *Экономика и образование*. 2022, 23 (2), 354-361. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/480>



## ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Шеримбетов Иномжон Халилullaевич** -  
Тошкент молия институти  
катта ўқитувчи

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a55](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a55)

**Аннотация.** Мақолада бухгалтерия ҳисобининг объекти ҳисобланган хусусий капиталнинг мазмун-моҳияти тадқиқ қилинган. Шунингдек, хусусий капитал ҳисоби бўйича бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидалари таҳлил қилиниб, миллий ҳисоб тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** капитал, хусусий капитал, ўз маблағларининг манбалари, тақсимланмаган фойда, устав капитали, резерв капитали, қўшилган капитал, давлат ёрдами, келгуси давр харажатлари ва тўловлари бўйича резерв.

## НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА

**Шеримбетов Иномжон Халилullaевич** -  
старший преподаватель  
Ташкентского финансового института

**Аннотация.** В статье исследуется сущность собственного капитала, который рассматривается как объект бухгалтерского учета. Также были проанализированы правила национальных стандартов бухгалтерского учета и международных стандартов финансовой отчетности по учету собственного капитала, сформулированы предложения и выводы по совершенствованию национальной системы бухгалтерского учета.

**Ключевые слова:** капитал, собственный капитал, источники собственного капитала, нераспределенная прибыль, уставный капитал, резервный капитал, добавленный капитал, государственная помощь, резерв будущих расходов и платежей.

## DIRECTIONS FOR IMPROVING EQUITY ACCOUNTING

**Sherimbetov Inomjon Khalilullayevich** -  
Senior Lecturer, Tashkent Financial Institute

**Abstract.** The article explores the essence of equity, which is considered as an object of accounting. Also, the rules of national accounting standards and international financial reporting standards in accounting of equity were analyzed moreover proposals and conclusions were formulated in order to improve the national accounting system.

**Key words:** capital, equity, own sources of equity, retained earnings, issued capital, share premium, reserves, treasury shares, government grants, reserve for future expenses and payments.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорига мувофиқ мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ уйғунлаштириш йўналишлари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, хусусий капитал талқинини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Хусусий капитал мураккаб талқин қилинадиган бухгалтерия ҳисоби категорияларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам хусусий капиталнинг турли қирраларини акс эттирувчи жиҳатлар тўлиқ ўрганилмаган. Шунингдек, хусусий капитал ҳисобининг назарий асосларини унинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ўрганмасдан тадқиқ қилишнинг имкони мавжуд эмас. Ушбу тушунчага турли иқтисодий мактаб аъзолари ўз таърифини беради. Бу эса “капитал” ва “хусусий капитал” тушунчаларини талқин қилишда турли ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Хусусан, Австрия иқтисодий мактабининг вакиллари Менгер ва Бем-Баверк капитални “ишлаб чиқариш билвосита усулларининг турли босқичларида ишчи ходимларни сақлаб туриш учун капитал эгалари томонидан жамғариладиган иқтисодий наф суммаси” деб таърифлашади [1].

Т.Мальтуснинг фикрига кўра, капитал бойликларни ишлаб чиқаришдан фойда олиш мақсадида ушлаб туриладиган ёки фойдаланадиган мамлакат захираларининг қисмидир [2].

Классик мактаб вакили К.Маркс фикрига кўра, капитал – муайян жамиятники, яъни нарсаларда ўз аксини топган жамиятнинг муайян бир тарихий шаклланишига тегишли ишлаб чиқариш муносабатларидир ва нарсага ўзига хос ижтимоий хусусият беради. Шунингдек, капитал фақат моддий ва ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситалари суммаси бўлиб қолмай, капиталга айланган ишлаб чиқариш воситаларидир дея таърифлайди. Капиталнинг шаклланиш манбаи бўлиб, ишлаб чиқариш соҳасига ёлланган ишчиларнинг қўшилган меҳнати ҳисобига шаклландиган қўшимча қиймат ҳисобланади. Капитал меҳнат бозорида пул кўринишида бўлади, кейинчалик маълум бир жараёнлар таъсири натижасида капиталга айланади [3].

Неоклассиклар мактаби вакили А.Маршалл: “...капитал ишлаб чиқаришни вужудга келтирувчи ресурслардир, бойлик эса унинг натижаси ҳисобланган ресурслардир”, – деб таъкидлайди [4].

Америка иқтисодий мактабининг вакили И.Фишер “ҳозирги вақтда мавжуд бойликлар захираси капиталдир” деган хулосага келган [5].

Дональд Дьюи капитални “ишлаб чиқариш қуввати”нинг синоними дея таърифлайди. Унинг фикрига кўра, капитал ишлаб чиқаришда зарур бўлган ишчиларнинг маҳорати, битим тузишда уларнинг ҳалоллиги, хомашё ва шу кабиларни ўз ичига олади [6].

А.Смит ва У.Пети мол-мулкнинг даромад олишга тегишли қисмини капитал деб таърифлашади. Қолган қисми эса истеъмол қилишга қаратилади. Уларнинг фикрига кўра, капитални асосий (уни айланма маблағлар таркибига жалб қилмасдан ёки эгасини ўзгартирмаган ҳолда фойда келтирувчи) ва айланма (фақат айланма маблағлар таркибида даромад келтирувчи) капиталга ажратади [7].

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, турли иқтисодий мактаб вакиллари капиталнинг турли қирраларини ёритиб берган. Бироқ кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамастан, ҳалигача капитал тўғрисида ягона тушунча шаклланди. Келтирилган таърифлардан шунини таъкидлаш мумкинки, капитал жамият иқтисодий ривожланишининг барча босқичларини ўзида намоеён этади.

Бундай ёндашувни В.Ф.Палий қўллаб-қувватлайди. У капитални “хўжалик фаолиятига киритилган маблағлар миқдори” деб таърифлайди. Ҳисобда хўжалик операциялари жараёнида капиталнинг “ҳаракати ва ўзгариши” акс этиши керак, деб таъкидлайди [8].

Капиталнинг бундай талқини ҳаммага маълум бўлган баланс тенгламасига мувофиқ ҳисобланади, бунда баланс активи ташкилот капитали таркибий қисмларининг батафсил тавсифини, пассив эса капитал таркибининг шаклланиш манбаларини, шу жумладан, ташкилот жами капиталининг маълум бир қисмини шакллантирувчи ўз маблағларининг манбаларини акс эттиради.

Я.В.Соколов бухгалтерия ҳисоби объектларини аниқлашда “капитал” тушунчасига таъриф бермасдан, “ўз маблағларининг манбалари” – “фондлар, резервлар, тақсимланмаган фойдадан” ташкил топади деб таъкидлайди [9].

Америкалик олимлар Р.Энтони ва Дж.Рис капитални “ташкилотнинг соф активлари, яъни унинг активларидан мажбуриятларининг чегирилган қисми” деб таъкидлашади [10].

Р.Бенке ва Р.Холт “мулк эгасининг улуши ёки ташкилотнинг соф қиймати – хусусий капитал” дея таърифлашади [11].

Немис олими И.Ф.Шер хусусий капитални “ташкilot активлар ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида мужассамлаштирган мол-мулкнинг соф қиймати” дея таърифлайди [12].

“Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номи 1-сонли Бухгалтерия ҳисоботининг халқаро стандартида хусусий капитал “барча мажбуриятлар чегирилгандан кейин активлардаги улуш” деб таърифланади [13].

Б.Нидлз, Х.Андерсон “ташкilot мулкдорининг ихтиёрида бўлган иқтисодий ресурслар хусусий капиталдир” деб таърифлашади. Иқтисодий ресурслар пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари, товар-моддий захиралар, бино ва ускуналар ҳамда номоддий ҳуқуқлар шаклида ифодаланган активларни ўз ичига олади [14].

Миллий бухгалтерия ҳисобида анъанавий равишда капитални ишлаб чиқариш омили деб ҳисоблайдиган классик иқтисодий мактаб таърифи контекстида тушунилади, яъни ташкilotга даромад келтирадиган барча наф ҳажми деб қаралади. Ушбу нуқтаи назардан капитал бухгалтерия ҳисобининг предмети ҳам ҳисобланади. Айнан ушбу кўрсаткич ташкilotнинг кўлами, бошқа кўрсаткичлар билан қиёслаш орқали унинг молиявий ҳолати тўғрисида тасаввур пайдо қилади.

А.Каримов, Ж.Курбанбаев, С.Жуманазаров: “...корхонанинг хўжалик фаолияти учун зарур бўлган, унинг моддий ва номоддий бойликлари, пул маблағлари ва молиявий қўйилмаларининг жами корхонанинг капиталидир. Шунингдек, хусусий капитал унинг нетто активлари бўлиб (соф активлар, мол-мулкнинг мулкдорларга тегишли бўлган соф қиймати), у активлар билан мажбуриятлар ўртасида айирма сифатида аниқланади”, – деб таъкидлашади [15].

Б.Ҳасанов, А.Ҳошимов, А.Муҳаметов, А.Абдувоҳидов: “...хўжалик субъектларининг ўз маблағлари турли молиявий маблағлар ҳисобидан ташкил топади. Устав капитали, тақсимланмаган фойда, махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резервлар ва бошқалар шулар жумласидандир”, – деб таъкидлашади [16].

Ш.Эргашева: “...хусусий капитал жалб этилган капитал (мажбуриятлар)дан чегирилган капитал бўлиб, устав, қўшилган, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва бошқа резервлар йиғиндисидан иборатдир”, – деб таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф ўз асарида ташкilot капиталини актив ва пасив капиталга ажратади. Унга кўра, актив капитал ташкilot юридик жиҳатдан мустақил шахсга эгалик ҳуқуқига тегишли бўлган мол-мулклар қийматидир, пасив капитал эса мол-мулкнинг (актив капиталнинг) манбаларидир, дейди [17].

А.Ибрагимов, И.Очилов, И.Қўзиёв, Н.Ризаев: “...хусусий капитал хўжалик субъектининг активи ва мажбуриятлари ўртасидаги

фарқни ўзида мужассамлаштиради. Хусусий капитал ишлаб чиқариш ва мулк эгасига тўлаш, қўшимча инвестиция ва бошқа фаолиятнинг натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин. Хусусий капитал уч қисмдан: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капиталдан иборат”, – деб таъкидлашади [18].

Н.Тошмаматов хусусий капитал элементлари сифатида устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), сотиб олинган ўз акциялари киришини ва улар тўғрисидаги ахборотлар хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда акс этишини таъкидлаган [19].

Юқоридаги олимлар фикрларининг турли-туманлигини, яъни мол-мулкнинг соф қиймати, соф актив, ташкilot соф қиймати, мулкдорлар ихтиёридаги иқтисодий ресурслар сифатида талқин қилинганлигини кўришимиз мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Хусусий капитал ҳисобини ташкил этиш қоидалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда хусусий капитал ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш бухгалтерия ҳисобининг илмий-методологик такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий капитал муҳим иқтисодий категория сифатида ҳамда хўжалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг манбаи сифатида қаралади. Активлар, хусусий капитал ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини, шунингдек, молиявий ҳолатини аниқлаш билан бевосита боғлиқ элементлар ҳисобланади.

Амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунида “хусусий капитал” устав фондидан (устав капиталидан), қўшилган захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топиши белгиланган.

Шунингдек, хусусий капитал билан боғлиқ ахборотни акс эттиришни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (14-сонли БҲМС) – “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” орқали амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида хусусий капитал таркибидаги устав капитали таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг пулда ифодаланган ҳолдаги йиғиндисини акс эттиради. Қўшилган капитал акцияларнинг номинал қийматидан юқори нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини, шунингдек, эквиваленти чет эл валютасида ифодаланган

устав фондини (устав капиталини) шакллантириш жараёнида юзага келадиган курс фарқини акс эттиради. Қўшилган капитал бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботнинг мустақил объекти сифатида алоҳида акс эттирилади. Қўшилган капиталнинг ҳисобда алоҳида ажратиб кўрсатилиши, устав капиталининг ўзгарган миқдори давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун устав капиталининг ўзгаришини акс эттирувчи барча бухгалтерия ёзувлари бир вақтнинг ўзида қўшилган капитал билан боғлиқ ёзувларнинг амалга оширилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ юридик шахсларнинг устав фондлари (устав капиталлари) миқдорларига доир талаблар фақат Ўзбекистон Республикаси валютасида белгиланиши қайд этилган.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулк хуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга хуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкинлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига биноан белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, устав капитали миқдори фақат миллий валютада белгиланиши муносабати билан қўшилган капитал таркибида устав капиталини шакллантиришдан курс фарқи юзага келмайди ва ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) 1-илоvasи “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси”дан 8420-“Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи” счётини бекор қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Резерв капитали узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда ҳосил бўладиган инфляция захираларини, қонунчиликда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда соф фойдадан ажратмаларни, шунингдек, текинга олинган мол-мулкнинг қийматини акс эттиради. Захира капитали ташкилотнинг узлуксиз фаолиятини ва учинчи шахслар манфаатларини кафолатли таъминлаш мақсадида қўшимча молиявий манба ҳисобланади. Бундай молиявий манбанинг мавжудлиги учинчи шахслар, ташкилот ўз мажбуриятларини сўндира олиши бўйича ишонч ҳосил қилишади. Захира капитали миқдорининг катта бўлиши зарар суммаларини қоплаш имконини беради ва бу, ўз навбатида, ташкилот раҳбариятига зарарларни бартараф этишда кўпроқ имконият яратади. Бунда, қоидага кўра, захиралар харажатларни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади ва молиялаштириш муаяйн эҳтимоллик билан юзага келиши

мумкин. Ташкилот учун, албатта, бу вазиятларнинг содир бўлмаслиги ва харажатларнинг юзага келмаслиги маъқулроқ ҳисобланади. Ташкилотларда резерв капитали уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар уставда белгиланган миқдорларда фойдадан ажратмалар асосида шакллантирилиб борилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ резерв фонди унинг устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ташкил этиши белгиланган. Унинг миқдори, ҳар йили мажбурий ажратма орқали, уставда белгиланган миқдорга етгунга қадар жамият соф фойдасидан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратма миқдори эса жамият уставда белгиланади [20].

Шунингдек, ушбу қонунда резерв фонддан жамият зарарларини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш мақсадларида фойдаланиш белгиланган ва кўрсатилган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш таъқиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунда ҳам жамият ўзининг уставда назарда тутилган, лекин ўз устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини вужудга келтириши мумкинлиги қайд этилган, шунингдек, захира фонддан жамият зарарларини қоплаш ва жамият томонидан устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун йўналтирилиши белгиланган. Демак, мазкур ҳолатда жамият иштирокчилари ўртасида дивиденд тақсимлашда манба сифатида резерв капиталидан фойдаланиш кўзда тутилмаган.

Тақсимланмаган фойда ташкилот ташкил бўлганидан буён ишлаб топган даромадининг жамланмаси бўлиб, ундан солиқ ва бошқа мажбурий тўлов ҳамда ажратмалар (дивидендлар, резерв капитали ва ҳ.к.) чегирилгандан кейин қолган қисми ҳисобланади. Тақсимланмаган фойдани иқтисодий моҳиятига кўра резервнинг бир кўриниши сифатида ташкилотнинг молиявий маблағлари деб қараш мумкин.

Бир қатор олимларнинг фикрига кўра, келгуси давр харажатлари бўйича резервни капитал таркибига киритиш тавсия этилади. Бизнинг фикримизча, келгуси давр харажатлари бўйича резерв капитал таркибида акс эттирилмаслиги лозим, келгуси давр харажатлари корхона томонидан ўзлаштириладиган сарфлар ҳисобланиб, хўжалик операциялари содир бўлишининг вақт тамойилига мувофиқ келгуси ҳисобот даврларида тан олинади.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусий капитал билан ўз маблағлари манбалари ўрта-сидаги фарқни аниқлаштириб олиш зарур. Аксарият ҳолларда, хусусий капитал ўз маблағлари манбалари бир хил бухгалтерия ҳисобининг объектларини ўз ичига олади, деб қаралади. Демак, хусусий капитал ўз маблағлари манбаларидан мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар ҳисобига фарқ қилади. Хусусий капитал таркибига маълум бир шартлар асосида харажат қилиш чекланган мақсадли молиялаштириш маблағларини киритиш мумкин. Ушбу шартларнинг бажарилиши натижасида олинган маблағлар ташкилот учун хусусийга айланади, бажарилмаганда эса маблағларнинг қайтарилиши талаб этилади ва кредиторлик қарзи сифатида акс эттирилади.

Бундай маблағлар таркибига давлат субсидиялари ва давлат ёрдами киритилади. Давлат субсидиялари ташкилотларга маълум бир шартлар асосида ресурслар беришни назарда туттади. Бу ресурс ташкилотнинг операцион фаолияти учун берилади. Давлат ёрдами ташкилотларга муайян мезонлар асосида иқтисодий наф келтиришга қаратилган давлат томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни ўз ичига олади.

“Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига (20-сонли БҲХС) мувофиқ давлат ёрдамини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг икки хил ёндашуви мавжудлиги талқин этилади [21].

Биринчи ёндашув тарафдорлари давлат ёрдами капитал таркибида акс эттирилиши лозим дейишади. Иккинчи ёндашув тарафдорлари эса даромад ёндашувини маъқуллаб, грант маблағлари фойда ва зарар таркибида даврлар мобайнида тан олиншини таъкидлашади. Биринчи ёндашув тарафдорлари давлат субсидиялари молиялаштириш усулини ўзида мужассамлаштиради ҳамда улар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши, шунингдек, субсидия қайтарилиши назарда тутилмаганлиги сабабли фойда ва зарар таркибида акс эттирилмаслиги лозимлигини уқтиришади. Иккинчи ёндашув тарафдорлари давлат субсидиялари акциядорлардан фарқли манбалардан келганлиги сабабли хусусий капитал таркибида эмас, бал-

ки мос даврнинг фойда ва зарарлар таркибида тан олиншини лозим, деб таъкидлашади.

Бизнинг фикримизча, иккинчи ёндашув молиявий ҳисобот ахборотларининг ишончилигини таъминлашда салмоқли аҳамият касб этади, чунки капитал таркибида, асосан, акциядорлар билан боғлиқ операциялар акс эттирилади. Давлат субсидиялари ташкилотларга беғараз асосда берилмайди, улар томонидан маълум бир шартлар асосида мажбуриятларнинг бажарилиши натижасида давлат субсидиялари асосида қопланадиган муайян сарфларни амалга оширганда, харажат сифатида фойда ва зарарлар таркибида тан олинади.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, хусусий капитал тадбиркорлик субъекти фаолияти узлуксизлигини таъминлаш, молиявий ҳолатини баҳолаш, унинг миқдори таъсисчилар чиқиб кетишида уларга тўланадиган улуши ва дивиденд миқдорини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, хусусий капитал таркиби билан ўз маблағлари манбалари таркибига кирувчи элементларни аниқлаштириш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусий капитал ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Валюта тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режасидан (21-сонли БҲМС) 8420-“Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи” счётини бекор қилиш.

2. Ўз маблағларининг манбалари устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб олинган хусусий акциялар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушумлар, келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захираларни ўз ичига олади, бунда хусусий капитал таркибига мақсадли тушумлар, келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар кирмайди.

3. Давлат ёрдамини хусусий капитал таркибида эмас, мос даврнинг фойда ва зарарлар таркибида акс эттириш орқали миллий ҳисоб тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштиришга эришилади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шемятенков В.Г. Теория капитала (Современные буржуазные экономические теории: критический анализ). – М.: Издательство «Мысль», 1997.
2. Покидченко М.Г., Чаплыгина И.Г. История экономических учений. – М.: Инфра-М, 2008. – 271 с.
3. Карл Маркс. Капитал. Т. 3. ISBN 978-5-17-113711-3. – М.: АСТ, 2022. Гл. 48, стр. 886-887.
4. BLISS C. Alfred Marshall and the Theory of Capital, in Whitaker J.K., ed. (1990), pp. 23-41.
5. Шодмонов Ш., Рахматов М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Замин нашр, 2021. – 856 (27) бет.
6. Сахариев С.С., Сахариева А.С. Современный курс экономической теории. Учебник. – Алматы: Издательство «Юридическая литература», 2006. – 337 с.
7. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. (Книги I-III). – М., 1993. С. 408-409.

8. Палий В.Ф. Теория бухгалтерского учета. Современные проблемы. ISBN: 5-85428-177-5. – М.: Бухгалтерский учет. 2007 г. Стр. 88.
9. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2000.
10. Энтони Р., Рис Дж. Учет: ситуации и примеры. Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.М.Петрачкова. 2-е изд., стереотип. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 420 с.
11. The Financial Accounting Cycle with Supplements (2nd Edition) by Robert N. Holt, Ivy Software, Published 2005. ISBN 978-0934427333
12. Иоганн Фридрих Шер. Бухгалтерия и баланс. – М.: Экономическая жизнь, 1925. – 594 с.
13. IAS 1 "Presentation of Financial Statements" <https://www.ifrs.org/>
14. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Дж. Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 496 с.
15. Вухгалтерија hisobi. Darslik. / A.A.Karimov, J.E.Kurbanbayev, S.A.Jumanazarov. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 479 b.
16. Вухгалтерија hisobi. Darslik. / B.A.Xasanov, A.A.Xashimov, A.B.Muxametov, A.A.Abduvohidov. – Т.: Iqtisodiyot dunyosi, 2021. – 556 b.
17. Бухгалтерский учёт. Учебное пособие. / Ш.Т.Эргашева. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 387 с. (520)
18. Ибрагимов А., Очиллов И., Қўзиёв И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 241 б.
19. Вухгалтерија hisobi nazariyasi. Darslik. T.Toshmamatov. – Т.: "O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati" nashriyoti, 2019. – 274 b.
20. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. 06.05.2014 йил. ЎРҚ-370-сон.
21. IAS 20 "Accounting for Government Grants and Disclosure of Government Assistance". <https://www.ifrs.org/>
22. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни. 13.04.2016 йил. ЎРҚ-404-сон.
23. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни. 06.05.2014 йил. ЎРҚ-370-сон.
24. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 01.03.1997 йил.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.



## СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Абдурахмонов Каромат -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a56](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a56)

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикасида табиий ресурслардан фойдаланувчиларга солиқ солишни тартибга солиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Калит сўзлар:** ресурс солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмуричилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДОВ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ

**Абдурахманов Каромат -**

Независимый исследователь  
Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В Республике Узбекистан особое внимание уделяется коренному совершенствованию сервисно-технического обслуживания на основе взаимного сотрудничества по вопросам налогообложения природопользователей, обеспечения необходимого уровня собираемости налогов и других обязательных платежей, осуществления налогового администрирования налогоплательщиков и исполнение налоговых обязательств.

**Ключевые слова:** ресурсный налог, налог на недропользование, налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средняя ставка, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые вычеты.